



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGIDA  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI  
RO'YXAT RAQAMI: 3235-1  
2021 - vil 01 - aprel

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУФИ

**Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган хуқуқий ва техник тусдаги қўшимча  
ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига  
қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 майдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2020 йил 22 октябрдаги ПҚ-4871-сон “Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги 112-мҳ-сон буйруғи (руйхат раками 3235, 2020 йил 29 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 10/20/3235/0698-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган хуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларининг изохи қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдаги ПҚ-4871-сон “Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар худудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан майший тусдаги офатлар (туар, нотуар-жойнинг ёнгини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнгини) юз берганлиги оқибатида жисмоний шахсларнинг айбисиз йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари, ҳужжатларнинг қўчирма нусхалари ҳамда реестрлардан қўчирмалар беришда хуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳак ундирилмайди.”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб хисоблансин.

2. Мазкур буйрук расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири



Davletov R. K.

Тошкент ш.  
2021 йил 01 апрель,  
9-мҳ-сон